

Покистонда Қуръони карим энциклопедиясининг тақдимоти бўлиб ўтди



20:05 / 03.12.2018 2583

Покистоннинг “Авоми Таҳрик” партияси раҳбари доктор Тоҳир ал-Қодирий томонидан тайёрланган энциклопедия Лаҳурда олим ва мутахассислар иштирокида ташкил этилган йиғилишда тақдим қилинди. Энциклопедия 8 жилддан иборат бўлиб, 5 мингта ёзувни ўз ичига олган. Бу ҳақда Nation интернет нашри хабар берди.

“Авоми Таҳрик” партияси вакилларининг айтишича, бу энциклопедия мактаб ўқувчиларига Қуръони карим тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Муаллиф уни 50 йил давомида ёзган.

Энциклопедия асосан исломий соҳаларда илмий изланишлар олиб борувчи илоҳиётчилар, ўқитувчилар ва талабларга мўлжалланган.

